

2020-2021

Қўшимча маълумот учун Америка
Кенгашларининг ўз мамлакатингиздаги
идорасига мурожаат қилинг:

12 Ш.Руставели кўчаси Гранд Бизнес
Маркази 307 хона 100070, Тошкент,
Ўзбекистон

+998-78-150-71-50

Электрон манзил:
flex.uz@americancouncils.org

“... Улар ўз жамиятига жуда кўп ҳисса қўшишади. Америкаликлар
ҳаётига бизнинг маданиятдан ўзгача маданиятни олиб
киришади. Улар юрагимда алоҳида ўринга эга ва мен уларни
доимо ёдда тутаман. Улар меҳмон бўлиб келишганда ўзимда
йўқ хурсанд бўлиб кетаман. Айниқса, ўзлари, ютуқлари ва
режалари ҳақида гапириб беришлари менга жуда ёқади.”

— FLEX дастури мезбон оиласи

“FLEX дастуридаги иштироки қизимнинг ҳаётидаги энг яхши
воқеалардан бири деб ўйлайман. У жуда ўзгарганини эътироф
этишим керак. Унинг масъулияти ва тажрибаси янада ортди. Унга
бошқа маданиятни ўрганиш имконияти берилди. Америкалик
мезбон оилада худди америкалик ўсмир каби яшади. FLEX
дастури нафақат унга, балки менга ҳам олисдан туриб бўлса-да
америка маданиятини ҳис қилишимга ёрдам берди. Ота-оналар
одатда фарзандларининг чет давлатга чиқишида уларнинг
ҳавфсизлигини ўйлашади. Бироқ, мезбон оилалар, Америка
Кенгашлари ва FLEX дастури ҳодимлари доим уларга ёрдам
беришга тайёр туришади.”

— FLEX дастури иштирокчисининг онаси

“Мен таасуротларга бой ўтган бу йилни ва мени қабул қилган
мезбон оиламни ҳеч қачон унутмайман. Улар мени нотаниш
одам сифатида эмас, балки юзларида табассум билан илиқ
кутиб олишган эди. Мен дунёдаги энг бахтли инсонлардан
бириман. Чунки, энди менинг ўз онамдан ташқари мезбон
онам ҳам бор. Мен бутун дунё бўйлаб кўплаб чинакам дўстлар
орттирганим ва уларнинг маданияти ҳақида кўпроқ билиб
олганим учун FLEX дастурига ва АҚШ давлат департаментига ўз
миннатдорлигимни билдираман”

— FLEX дастури битирувчиси, Грузия

Follow FLEX:


 @FLEXProgram

 FLEXProgram

 discoverFLEX.org

 FLEX Program

 AMERICAN
COUNCILS
FOR INTERNATIONAL EDUCATION



FLEX дастури АҚШ давлат департаментининг Таълим ва Маданий алоқалари бюроси
томонидан молиялаштирилади

FLEX дастури ҳақида 1991 йилда сенатор Билл Бредли ва конгрессмен Жим Лич тарихий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишди ва мазкур қонун лойиҳаси FLEX (Future Leaders Exchange - Келажак Лидерлари Алмашинуви) дастурининг яратилишига сабаб бўлди. АҚШ конгресси ушбу лойиҳани молиялаштиришни маъқуллади. Лойиҳа АҚШнинг собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар билан алоқаларини ривожлантиришга қаратилган эди. Кейинчалик эса бошқа мамлакатлар ҳам ушбу рўйхатга қўшилди.

FLEX дастури тўлиқ АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилади. Дастурнинг ташкилий масалалари эса АҚШ Ҳукумат департаментининг Таълим ва маданий алоқалар бюроси томонидан амалга оширилади. Танлов ғолибларига Америкада бир йил бепул ўқиш учун стипендия ва волонтерлик асосида танланган мезбон оилада яшаш имконияти берилади. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад америкаликлар ва бошқа миллат вакиллари ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатишдир.

Минглаб америкаликлар ва маҳаллий мактаблар мазкур грантни қўллаб қувватлайди ва ҳеч қандай ҳақ олмасдан ғолибларни ўқитади, оилаларига қабул қилади. Ўтган 27 йил мобайнида FLEX дастури ўрта мактабларнинг 28 000 нафар ўқувчисига стипендиялар ажратди. 2019-2020 ўқув йилида дастурнинг 977 нафар иштирокчиси АҚШга келиши кўтилмоқда.

Дастурни ким ташкил қилади?

Имтиҳонларни Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари ўтказишади. Мазкур ташкилот ғолибларни аниқлайди ва улар учун семинарлар ташкил этиб керакли маълумотлар билан таъминлайди. Шунингдек, улар иштирокчиларни Америкага жўнатиш ишларини ҳам ташкиллаштиришади. Америка кенгашлари 1974 йилда ташкил топган бўлиб, халқаро нотижорат ташкилот ҳисобланади. Мазкур ташкилотнинг бош мақсади давлатлараро алоқаларни яхшилаш, миллатлар ўртасидаги фикрлар алмашувини йўлга қўйиш ҳамда таълим орқали ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Америка Кенгашлари 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида АҚШ, Европа, Евроосиё, Осиё ва Африка давлатларида ўн минглаб ўқувчиларни қўллаб-қувватлаб келяпти. Шунингдек, мазкур ташкилот FLEX дастуридан ташқари университет талабалари ва аспирантлар, олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун ҳам бошқа бир қатор дастурларни жорий қилган бўлиб, уларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

FLEX дастури доирасида турли нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаолият юритади. АҚШ ҳукумати буйруғига асосан ушбу ташкилотлар ўқувчиларни мактаб ва оилаларга жойлаштиришга кўмаклашиб, йил давомида уларни қўллаб-қувватловчи тадбирларни ташкил этади.

Стипендия таъминотига нималар киради?

FLEX дастури ғолибларига қуйидагилар тақдим этилади:

- Доимий яшаш жойидан то АҚШдаги белгиланган уйғача ва ватанига қайтиб келиш йўл кираси;
- Ойлик стипендия. Ушбу стипендияни ўқувчи шахсий харажатлари ҳамда АҚШда яшаган даврида ижтимоий ҳаётда тенг иштирок этишига сарфлайди;
- Олдиндан яхшилаб текшириб, танланган мезбон оилада бир йил мобайнида бепул яшаш;
- Америка мактабида рўйхатга олинди ва ўқиш;
- Дастур олдида ва кейин ўтказиладиган тайёрлов курсида иштирок этиш;
- АҚШда ташкил этиладиган маҳаллий тадбирларда иштирок этиши.
- Тиббий суғурта. Мазкур суғурта АҚШга келгунга қадар бўлган касалликларни даволашни қопламайди. Шунингдек, стоматологик ёрдам ҳам ушбу суғурта таркибига кирмайди.



Дастурда иштирок этиш учун кимлар мос келади:

МАМЛАКАТ	МОС КЕЛУВЧИ СИНФЛАР	Мос келувчи туғилганлик муддати	Ўрта таълимни тугатган ёки дастур бошлангунга қадар битирганлиги
Ўзбекистон	11 синф ёки лицей 2 йил ўқувчиси	15 феврал 2002 – 31 март 2004	Ўқувчилар тўлиқ ўрта таълимни битирган бўлишлари шарт

Дастурда ким иштирок этиши мумкин?

FLEX дастурида иштирок этиш барча учун очиқ ва бепул. Иштирокчилар дастур талабларига жавоб бера олса ва танловдан муваффақиятли ўтса кифоя. Имконияти чекланган ўқувчилар ҳам ушбу танловда иштирок этишлари мумкин. Ҳар йили 20 га яқин имконияти чекланган иштирокчи ушбу танловда ғолиб бўлиб, FLEX дастурида қатнашади. Улар ҳам бошқалар билан тенг танловдан ўтадилар. Ҳар бир иштирокчи бир йилда бир марта ариза топшириши мумкин.

Ушбу танловда иштирок этувчилар қуйидаги шартларга мос келиши керак:

1. Уларга ўз давлатлари томонидан қўйилган ёш ва синф бўйича талабга мос келиш (жадвалга қаранг);
2. Танловда иштирок этиш пайтида мактабда ўқиётган бўлиши;
3. Яхши ва аъло баҳоларга ўқиши;
4. Инглиз тилини аъло даражада ўзлаштиргани ва танлов доирасида ушбу маҳоратини намоён эта олиши;
5. Америка визаси талабларига жавоб бериши;
6. Озарбайжон, Арманистон, Венгрия, Грузия, Греция, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Молдова, Мўғулистон, Польша, Руминия, Сербия, Словакия, Тожикистон, Туркманистон, Украина, Черногория, Чехия, Эстония ёки Ўзбекистон фуқаролари бўлиши шарт.

FLEX дастури танловида кимлар иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас?

Иштирокчи қуйидаги шартларга жавоб бермаса танловда иштирок эта олмайди:

- 1-6 шартларга мос келмаса;

- Сўнги 5 йил ичида АҚШда 90 кундан ортиқ вақт мобайнида яшаган бўлса;
- Унинг оила аъзолари ёки қариндоши:
 - АҚШга иммиграция қилиш учун ариза берган бўлса;
 - АҚШга иммиграция қилмоқчи бўлса ёки қилган бўлса;

Алмашинув дастурида иштирок этиш нима беради?

Мазкур дастур иштирокчиларга Америка Қўшма Штатлари халқи ва маданияти билан яқиндан танишиш имконияти беради. Ўз навбатида ҳар бир ғолиб иштирокчи ўз мамлакатининг “элчиси” ҳисобланиб, ўз маданияти ва тарихи ҳақида америкаларга маълумот беради. Иштирокчилар ўзга маданият ва миллат вакиллари билан мулоқот қилишни ўрганишади, индивидуал ўсиш ва кўпроқ мустақил бўлиш имкониятига эга бўлишади. Натижада улар тобора ўзгариб бораётган глобал ҳаётга мослашувчан, кучли шахслар бўлиб етишишади. Бундан ташқари дастур иштирокчилари ўз мезбон оилалари, қўшилари ва дўстлари билан яқиндан танишиб, аксарият ҳолларда бу муносабатларни умр бўйи сақлаб қолишади. Дастурда қатнашиб қайтган қўллаб ўқувчилар энг яхши олий таълим муассасаларига қабул қилинади, кейинчалик нуфузли жойларда ишлашади. Буларнинг бари ушбу дастур орқали Америкада олинган таълим ва тажриба тўфайли амалга ошади.

Дастурни ким ташкил қилади?

Номзодлар бир неча босқичдан иборат танловдан ўтишади. Ярим финал босқичида иштирокчилар ва уларнинг ота-оналари таништирув йиғилишига таклиф этилади. Улар ушбу йиғилишда дастур ҳақида кўпроқ маълумот олишади. Ҳар бир иштирокчи Америка Кенгашлари ходими билан индивидуал суҳбатдан, инглиз тили бўйича тест синовларидан ўтади. Иккита иншо ёзиб, дастурнинг расмий анкетасини олишади. Мазкур анкетани 2 ҳафта ичида тўлдириб, Америка Кенгашлари офисига етказиш керак бўлади.

Танлов жуда жиддий ўтади ва иштирокчи бир йиллик алмашинув ҳаётига қай даражада тайёр экани ўрганилади. Инглиз тилини яхши билиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Номзод шунингдек, соғлом экани ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши керак бўлади.

Баҳорда танлов жараёнлари тугайди ва барча номзодлар сараланиб АҚШдаги мезбон оилалари ҳақидаги маълумотга эга бўлишади. Ғолиблар ўз юртида июн-июл ойларида бўлиб ўтадиган дастур олди тайёргарлик жараёнларида қатнашишади. АҚШга эса июль-август ойларида жўнаб кетишади ва ўз ватанларига кейинги йилнинг май-июнь ойларида қайтиб келишади. Дастур иштирокчилари ўз уйига Америка Кенгашлари томонидан тайинланган кунда қайтиб келишлари шарт. Иштирокчиларнинг визаси дастур тугагандан сўнг узайтирилмайди.

FLEX танловида қатнашишдан олдин нималар ҳақида ўйлаб кўриш керак?

- У йга қайтганимдан сўнг ўтган ўқув йилида ўтилган дарсларни қайтадан ўқишим керак бўладими?
- Уйга қайтганимдан сўнг битирув имтиҳонларини ёки олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топширишга улгураманми? FLEX битирувчилари май-июнь ойларида уйга қайтишади.
- Институт ёки университетдан академик таътил ола оламанми? (агар қабул қилинган бўлсам).
- Уйга қайтганимдан сўнг мени ҳарбий хизматга чақиривадими?
- Мактабни аъло баҳоларга тамомлай оламанми? Медалъ ола оламанми?
- АҚШдаги ўқув тизими сизнинг ватанингиздаги ўқув тизимидан тамомила фарқ қилади. Сиз бир йил давомида умуман бошқача услубда ўқийсиз.